

Келгусида «Буюртмачи» деб номланувчи «Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» Давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи директор Р.Рўзимов бир томондан, келгусида «Лойихачи» деб номланувчи «Хоразм йўл лойиха» ЛК МЧЖ номидан иш юритувчи директор Х.Турдиев иккинчи томондан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги ПК-139-сонли қарорига асосан «Хазорасп тумани Қиртепа МФЙ да янги ташкил этиладиган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кластерига олиб борувчи ички хужалик йулини қуриш» объектига лойиха кидирув ишларини бажариш буйича шартномани туздилар.

#### 1. Шартноманинг мазмуни

1.1. Лойихачи Буюртмачининг лойихалаш топшириғи бўйича ишчи лойиха кидирув ишларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади.

1.2. Буюртмачи лойиха кидирув ишларини бажариш учун топширик бериш, зарур бўладиган бошланғич маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш, белгиланган тартибда ва миқдорда ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.3. Лойихачи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлари лойиха кидирув ишларини нинг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги 1.03.01-03 ШНҚ қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

#### 2. Ишларни бажариш муддати

2.1. Лойихачи ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб бажаришга киришади.

2.2. Мазкур шартномада ЛКИ хужжатларини тайёрлаш муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб 10 кун этиб белгиланади.

2.3. Буюртмачи томонидан топшириқ, бирламчи маълумотларни бериш ва Лойихачи томонидан Буюртмачининг топшириғи бўйича иловадаги қўчаларни ишчи ЛКИ хужжатларини (топологик сёмка, қурилишни ташкил этиш лойихаси) ишлаб чиқиш, амалдаги тартиб қоидалар бўйича топшириш муддатларини томонлар календар жадвалда белгилайдилар ва у шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

#### 3. Шартнома баҳоси.

3.1. Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил « 8 » апрелдаги № 14575 сонли баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва ККС билан жорий нархларда 48 250 000 (қрк саккиз миллион икки юз еллик минг) сўмни ташкил этади.

#### 4. Тўлов шартлари.

4.1 Шартномада миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши белгиланади, тўловлар тўғридан-тўғри Лойихачи ҳисоб рақамига пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

4.2. Мазкур шартнома бўйича мақсадли аванс, ишлар умумий қийматининг 30 фоизини ташкил қилади ва шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида тўлаб берилади.

4.3. Буюртмачи мазкур шартномада белгиланган ишлар тўлалигича бажарилиб, ҳажми, сифати ва Лойихачининг ҳисоботи текширилиб, Давлат экспертизаларидан ўтказилиб, аниқланган камчилик ва хатолар, билдирилган эътирозлар бартараф қилиниб ижобий хулосалар олингандан кейин шартнома қиймати доирасида илгари берилган авансни ҳисобга олган ҳолда якуний тўловни амалга оширади.

#### 5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

##### Лойихачининг мажбуриятлари:

5.1. Лойихалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартномада белгиланган Буюртмачига топшириш мажбуриятларини олади.

5.2. Объект ЛКИ хужжатлари ва нуқсонлар далолатномаларини тайёрлаб, Буюртмачи билан биргаликда фойдаланиш ташкилотлари (электр тармоқлари корхонаси, водоканал, райгаз, ёнғин хавфсизлиги назорати), тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш.

5.3. Буюртмачининг розилигисиз ЛКИ хужжатларини учинчи шахсларга бермаслик.

5.4. Тайёрланган ЛКИ хужжатлари асосида учинчи шахсларда ишни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлайди.

5.5. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган дастлабки ва бирламчи маълумотларни, муҳандислик кидирув хулосаларини, Буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик, улардан фақат ушбу шартномадаги предметда фойдаланиш мажбуриятини олади.

5.6. Объектда қурилиш ишлари тўлалигича якунлангандан сўнг, ишчи комиссиясига Лойихачи объектнинг ЛКИ хужжатлари асосида қурилганлиги тўғрисида хулоса тақдим қилиш.

5.7. ЛКИ хужжатларини бир-бирига мутаносиблиги (мос келиши) ва иш ҳажмларини ишчи чизмаларида берилган иш турлари мослиги ШНҚ талабларига жавоб беришига лойихачи ташкилоти буюртмачи ва пудратчи олдида жавобгардир.

##### Буюртмачининг мажбурияти:

5.8. Лойихачидан олинган ЛКИ хужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, ЛҚИ хужжатларини Лойихачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик.

5.9. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартномани 1.1-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлик учун Лойихачига ҳақ тўлаш.

5.10. Лойихачига лойиха ишларини бажаришда ушбу шартномада назарда тутилган ҳажмда ва шартларда хизмат кўрсатиш.

5.11. Тайёр бўлган ЛКИ хужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда Лойихачи билан бирга қатнашиш.

5.12. Лойихачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сабабли лойиха ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ қўшимча харажатларни Лойихачига тўлаш.

5.13. Тайёрланган ЛКИ хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзгатишган даъво юзасидан ишга қатнашишга Лойихачини жалб қилиш.

##### 5.14. Лойихачининг ҳуқуқлари:

- ЛКИ хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида зарурат бўлса айрим махсус қисмларини бажариш учун ёрдамчи (субподрядчикларни) жалб қилишга ҳақлидир.

#### 6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

6.1. Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида календар жадвал бўйича амалга оширилади.

6.2. Лойихачи томонидан топшириладиган ва расмийлаштириладиган хужжатлар руйхати техник топшириқда аниқланади.

6.3. Лойихачи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига техник топшириқда кўрсатилганидек топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб битта электрон вариант ва 3та нусхада хужжатлар комплектини ҳисобот билан тақдим этади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилганидек, топшириш - қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот хужжатлари бажарилган ишларни 5 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва Лойихачига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

6.5. Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг руйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгилувчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.6. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган мажбуриятлар юкланади.

6.7. Ўзаро ҳисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

6.8. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар аниқланганда лойихачи уларни беғараз бартараф этади.

6.9. Агар Лойихачи ўтган босқич учун ҳисобот бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

#### 7. Тарафларнинг жавобгарлиги.

7.1. Лойихачи ЛКИ ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган ЛКИ ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир ва камчиликларни бартараф қилиш учун қилинган харажатларни қоплайди.

7.2. ЛКИ ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда, Лойихачи Буюртмачининг талаби билан 10 кун муддатда ЛКИ ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

7.3. Томонларнинг мажбуриятларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганликлари учун жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида» қонунга, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.4. Лойихачи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб ўборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

#### 8. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор).

8.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, харбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевоқиф таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

8.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, Лойихачи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг хар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### 9. Қўшимча шартлар

9.1. Буюртмачи 1.1 - бандда кўрсатилган объектдан ташқари, Лойихачи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, Лойихачи олинган бирламчи маълумотлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

9.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

#### 10. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

10.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажарилгунча ўз кучида қолади.

10.2. Шартноманинг муддати тугашига қарамай, томонлар жавобгарликдан озод этилмайди.

10.3. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача.

#### 11. Бахсларни хал этиш тартиби

11.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган бахслар ўзара муҳокама қилиниб келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

#### 12. Шартномани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш тартиби ва бекор қилиш тартиби.

12.1. Ушбу шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

12.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни қоплаш шarti билан йўл қўйилади.

12.3. Лойихачининг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг тугатилиши шартномада белгиланган муддатдан бир ойдан ошиб муддатга кечиктирилса, берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, Буюртмачи шартномани бекор қилишга ҳақли.

12.4. Лойихачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан бир ойдан ошиб муддатга тўхтатилса, Буюртмачи лойихалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, Лойихачи шартномани бекор қилишга ҳақли.

12.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон 10 кунгача эътироз билдирмаса шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

#### 13. Томонларнинг реквизитлари:

##### Буюртмачи:

“Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК

Урганч ш. Хива шох кўчаси 1 км  
Телефон: 224-57-13, 224-57-16  
ш/хр 304521860334017045129118131  
СТИР 207254393, ИФУТ 70100  
Молия вазирлиги фазначилиги  
Фазна х/в: 2340 2000 300 100 001 010

Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ  
МФО 00014 СТИР 201 122 919

Директор

Р.Рўзимов

Буюртмачи юристи:

Х.Кушчанов

##### Лойихачи:

“Хоразм йўл лойиха” ЛК МЧЖ

Урганч шаҳар Хива шох кўчаси 2 уй  
Телефон: 224-57-38, 224-57-32  
х/р 2020 8000 9004 0295 2001  
СТИР 200408269  
ОКОНХ 66000  
СКБ Хоразм минтақавий филиали

МФО 00858

Директор:

Х.Турдиев

2022 йил «12» апрелдаги  
№-Л-1-сонли шартномага 1-илова

“Хазорасп тумани Киртепа МФЙ да янги ташкил этиладиган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кластерига олиб боровчи ички хужалик йулини қуриш объекти ЛКИ бажариш”

бўйича лойиха ишларини бажариш ва молиялаштириш

ГРАФИГИ

№	Объект номи ва манзили	Ишлар тури	Ишлар қиймати жами, минг сум	шу жумладан 2022 йил		қурилиш давомида
				Апрел	май	
1	2	3	4	5	6	7
1	“Хазорасп тумани Киртепа МФЙ да янги ташкил этиладиган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кластерига олиб боровчи ички хужалик йулини қуриш объекти ЛКИ бажариш”	Лойиха-кидирув ишлари	48 250,000	48 250,000	-	-
	ЖАМИ:		48 250,000	48 250,000	-	-



Буюртмачи - “Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” Давлат унитар корхонаси билан Лойихачи - “Хоразмйуллойиха” ЛК МЧЖ директори Х.Турдиев ўртасида “Хазорасп тумани Киртепа МФЙ да янги ташкил этиладиган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кластерига олиб боровчи ички хужалик йулини қуриш” объектига лойиха кидирув ишларини ишлаб чиқишга доир шартнома лойиҳаси юзасидан корхона ҳуқуқшуноси Х.Кушчанов томонидан Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунининг 21-моддаси талабларидан келиб чиқиб

ХУЛОСА

Шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 16 сентябрда қабул қилган «Капитал қурилишда хужалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги 395-сонли Қарори ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёрланган. Шартнома лойиҳасининг шартлари, хусусан шартнома мавзуси, тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ҳисоб-китоблар тартиби, тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби, форс-мажор ҳолатлари ва жавобгарликдан озод этиш масалалари қонун ҳужжатлари талабларига мос келади.

Корхона юристи  
2022 йил

Х.Кушчанов

ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ  
ВА КЕЛИШИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Урганч шаҳри

2022 йил «12» апрель

«Буюртмачи» «Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» Давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи директор Р.Рўзимов ва «Лойихачи» - «Хоразмйуллойиха» ЛК МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор Х.Турдиев, «Хазорасп тумани Киртепа МФЙ да янги ташкил этиладиган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кластерига олиб боровчи ички хужалик йулини қуриш» объекти бўйича лойиха кидирув ишларани ишлаб чиқиш қийматини келишиш тўғрисида ушбу далолатномани туздилар:

**1. ЛКИни ишлаб чиқариш қийматини аниқлаш ва келишиш:**

Объектнинг ҚМИ баҳоси ҚҚС билан - 2 500 000,0 минг.сўм;

Лойиха-қидирув ишлари қийматини аниқлаш тўғрисидаги Низомнинг 4-иловаси 5-устунига асосан ишчи лойихани ишлаб чиқиш қиймати даражаси - 3,92%;

камайтириш қиймати (келишилган) - 0,6;

низомни 2-чи иловаси 4-чи каторига асосан қиймати (купайтириш) - 1,0;

Хисобланган қиймат = 2 500 000,0 x 3,92% x 0,6 x 1,0 = 58 800,0 минг.сўм;

**Келишилган қиймат барча солиқлар билан - 48 250,000 (қрк саккиз миллион икки юз еллик минг) сўм.**

Ушбу қиймат шартнома тузиш ва ҳисоб китоб қилиш учун аниқланди ва келишилди.



*(Handwritten signature)*



*(Handwritten signature)*

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**

Хоразм вилояти ҳокимлиги ўринбосари

Б.П. Курбанов

2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-139-сонли қарорига асосан, Тупроққалъа ва Хазарасп туманларида жойлашган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришига ихтисослашган кластерга олиб борувчи ички хўжалик йўлини қуриш таъмирлаш ишларига лойиҳа-қидирув ишлари учун 2022 йил дастлабки

**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

03.03.2022й

№	Лойиҳалаштирилган объект номи ва манзили	Лойиҳалаштириладиган объект кўзати (мас: кўчалар)	Қурилиш ишларининг бошланғич ва тугал йили	Қурилишнинг тахминий ҳисобланган умумий қиймати	Лойиҳа босқичи ДТИА, ТИА, ДТНХ, ТНХ, ИЛ, ИХ, ТХ	ЛҚҚнинг объект бўйича қиймати	2022 йил 1 январь ҳолатига бақарилган ЛҚҚ	2022 йил 1 январь ҳолатига ЛҚҚнинг қолдиқ қиймати	2022 йилда қутилиётган ЛҚҚ	ЛСХ ларининг буюртмасига тошариши, буюртмачи томонидан тасдиқланган муддатлари	Лойиҳалаштириш учун асос (ВМ, Қарорлари, фармойишлари, топшириқлари ва ҳ.к)	Лойиҳаловчи институт номи
1	Жами;	6,500	4	5 325 420,000	6	274 580,000	8	9	10	11	12	13
1	Хазарасп тумани Қиртепа МФЙда янги ташкил этилган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришига ихтисослашган кластерга олиб борувчи ички хўжалик йўлини қуриш	2,500	2022й	2 376 900,000	ИЛ	123 100,000			123 100,000	2022 йил 1- чорак	ПҚ №139 сонли қарори. 21.02.2022й	Танлов (тендир) асосида
2	Тупроққалъа тумани Обод МФЙда янги ташкил этилган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришига ихтисослашган кластерга олиб борувчи ички хўжалик йўлини қуриш	4,000	2022й	2 948 520,000	ИЛ	151 480,000			151 480,000	2022 йил 1- чорак	ПҚ №139 сонли қарори. 21.02.2022й	Танлов (тендир) асосида

ИЗОХ: Объект узунлиги номи ва суммасига ЛСХ ишлаб чиқилгандан кейин аниқлик қаритилади.

"КИРИТИЛДИ"

"Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" Давлат унитар корхонаси директори:

Р.Рузимов

2022 й

"КЕЛИШИЛДИ"

Хоразм вилояти Автомобиль йўллари худудий бошқармаси бошлиғи.

Ф.Садуллаев

2022 й

"КЕЛИШИЛДИ"

Хоразм вилояти ҳокимлиги Молия бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

А.Рўзметов

2022 й

"КЕЛИШИЛДИ"

Хоразм вилояти Иқтисодий тараққиёт ва қўлқўлликни қисқартриш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Р.Аллаберганов

2022 й

